O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 4-MART ■ PAYSHANBA ■ 26 (27.201) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Тадбир

## ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

**Ўтган йили хизмат кўрсатиш ва савдо соҳасида 467 қонунбузарлик ҳолати аниқланган. Шундан 120 ҳолатда яроқлилик муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилганлик ва сотганлик учун хўжалик субъектларига жами 289,3 миллион сўм ҳамда 347 ҳолатда истеъмолчига касса ёки чек бермасдан товарлар сотганлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жами 172,4 миллион сўм миқдорида жарималар қўлланилган. Бундан ташқари, 763 ариза ва шикоят ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиши натижасида истеъмолчиларга жами 85,7 миллион сўм қайтариб берилган.**

Давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари томонидан истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилишга тобора жиддий эътибор берилмоқда. Лекин ҳар бир фуқаро биринчи навбатда ўзи олаётган маҳсулотнинг сифатига, ишлаб чиқарилган санасига эътибор бериши керак. Негаки, сифатли маҳсулот, аввало, ҳар бир кишининг ўзи — соғлиги учун зарур.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан идоралараро Кенгаш тузилган ва унинг таркибига 13 та вазирлик, идора ҳамда жамоат ташкилотларининг раҳбарлари киритилганди.

Ҳозир ҳамма жойда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга жиддий эътибор билан қаралмоқда. Жумладан, уларнинг 210 та туман ва шаҳарларда жамиятлари ҳамда 9650 та маҳаллада, 755 та уй-жой мулкдорлари ширкатида ва 350 та бозорда таянч гуруҳлари тузилди. Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича махсус ўқув курси ташкил этилди ва 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб барча ўқув юртлари дастурига киритилди. Истеъмолчи ҳуқуқи нималардан иборат эканлиги бўйича тарғибот ишларини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ**

## ЯГОНА МАҚСАД САРИ

**Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШҲТ) 2003 йил май ойида Москвада ўтган саммитида унинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасини Тошкентда жойлаштиришга келишиб олинган эди. Шунга биноан жорий йилнинг 1 январидан пойтахтимизда ана шу қўмита ўз фаолиятини бошлади.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 март куни мазкур муассаса билан танишди.**



Мамлакатимиз раҳбари бинонинг безакларини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирди. Ислом Каримовнинг фикрича, бино шундай қиёфа касб этиши керакки, унда оддийлик ва улуғворлик ўзаро уйғунлашсин.

Бу ерда муҳташам мажлислар зали, матбуот анжумани ва бошқа тадбирлар ўтказишга мўлжалланган зал, меҳмонхона мавжуд. Улар энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган.

Президент тузилманинг мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб қўйилганини таъкидлади. ШҲТга аъзо давлатлар терроризмга қарши курашда ўз куч-қудрати, имкониятлари, тажрибаси, услубларини ушбу тузилмада бирлаштириши, мазкур иллатга қарши ҳамкорликда курашиши керак. Бунда ахборот алмашувига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

— «Терроризмга қарши кураш» деган ибора ҳозир халқаро доирада жуда кенг тарқалган, — деди Ислом Каримов. — Айримлар сохта обрў орттириш учун ҳам бу масалага урғу беради. Ваҳоланки, терроризмга қарши сўзда эмас, амалда, қатъият билан курашмоқ зарур.

Тузилманинг асосий аҳамияти — ахборот ва маълумотларни тўплаш, ШҲТга аъзо давлатлар вакилларининг бир жойда ҳамкорликда ишлаши учун имконият яратади. Шу билан бирга ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади.

Ҳар соҳада бўлгани каби терроризмга қарши курашда ҳам ҳар бир давлатнинг ўз сиёсати мавжуд. Лекин ўзаро яқин ҳамкорликда ҳаракат қилингандагина кутилган самарага эришиш мумкин, деди мамлакатимиз раҳбари.

**(ЎзА)**

✧✧✧

**Суратда:** муассаса биноси билан танишув пайти.
**Абдуваҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат**

## НОРИНЛИК НУРОНИЙЛАР

Меҳр ва мурувват йилининг қиши Норин дарёси соҳилларида ҳам илиқ кечди. Қиш қуёшининг тафтидан айниқса, боғбонлар ташвишга тушишди. Боиси турли зараркунандаларнинг урчишига бундай об-ҳаво қулайлик яратади-да. Бу ҳолдан Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг туман бўлими мутасаддилари, фаоллари ҳам хавотирланишди. Ахир тасарруфларидаги 30 гектар ернинг 24 гектари боғ. Боғки, айни ҳосилга кирган. Мутахассислар маслаҳати билан зарур агротехник чора-тадбирлар кўрилди.

Ўтган йили жамғарма боғларидан 5,6 миллион сўм соф даромад олди. Кекса ёлғизлар, ногирон ва муҳтожлар ижтимоий ҳимояси учун 1674000 сўм харж қилинди. Даромаднинг қолгани жорий йил ҳосили пул бўлгунича режалаб ишлатилади.

— Халқимизда «Қаловини топсанг қор ҳам ёнади» деган нақл бор, — дейди кенгаш раиси Убайдулла Ҳамидов. — Жамғармамиз бир қўлга қараб қолмаслик учун ер олиб, боғ барпо этганди. Қисқа муддатда орзу ушалди. Олинган даромаддан байрам йўқловлари, ижтимоий ёрдамлар уюштирдик.

Ўтган ёзда бир гуруҳ фаол фахрийларни водий бўйлаб саёҳат қилдирдик. 10 нафар нуроний хонадонига бепул газета етказилмоқда.

Эътирофли томони шуки, нуронийлар боғи туманнинг бешта ҳудудида жойлашган. Бу йил боғдан 10 миллион сўмликка етказиб даромад олиш кўзда тутилган. Норинлик нуронийларнинг бу хайрли ишлари мулоҳазага ундайди: жамоат ташкилотлари, айнан ёшлар ташкилотларида бундайин изланиш ва интилишлар қай даражада? Бу саволни танқидий танбеҳ оҳангида эмас, эзгулик чорлови — даъват ўрнида кўнгил тарозисига солсак, тафаккур қилсак. Зеро, норинлик нуронийларнинг саъй-шижоатларида шундай жаранг турибди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Сўнгги йилларда Давлат божхона қўмитаси ходимлари томонидан ички бозорларимизни ҳимоя қилиш, товар-моддий бойликлар, хусусан, қўшни давлатларда ишлаб чиқарилган ва сифатига ҳеч ким кафолат беролмайдиган спирт, алькоголли ичимликлар, дори-дармонларни ноқонуний равишда республикамиз ҳудудига олиб кириш ва халқ истеъмоли учун зарур бўлган айрим маҳсулотларни мамлакатимиздан ноқонуний олиб чиқиб кетишга уринаётганларга қарши кескин кураш олиб борилмоқда.

Масалан, жорий йилнинг ўтган икки ойи ичида божхона тўловларидан давлат бюджетига 56 миллиард 800 миллион сўмлик маблағ ундирилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу миқдор ўтган 2003 йилнинг шу даврига қараганда 16 миллиард 800 миллион сўмга кўпдир.

Куни кеча Давлат божхона қўмитасида бўлиб ўтган навбатдан ташқари кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида ҳам айни шу масалага атрофлича тўхталиб ўтилди. Давлат божхона қўмитаси раиси Баҳодир Матлюбов йиғилганлар эътиборини божхона тўловлари тушумини кўпайтириш, истиқболда белгиланган режаларни ўз вақтида бажариш, бунинг учун зарур заҳираларни излаб топиш масалаларига қаратди. Контрабандага қарши кураш, наркотик ва гиёҳванд моддаларнинг олиб ўтилишига мустаҳкам тўсиқ қўйиш, қишлоқ хўжалиги учун ўта муҳим минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, рангли ва қора металл парчалари мамлакатимиз ҳудудидан чиқиб кетишига йўл қўймаслик зарур эканлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, йиғилишда божхона ходимлари орасида хизмат интизомини мустаҳкамлаш, ўз мансабини суиистеъмол қилиш, таъмагирлик ва порахўрлик каби иллатларга барҳам бериш ва бу борада қилиниши лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўтган давр мобайнида божхоначилар томонидан 4744 та контрабанда ва божхонага доир бошқа қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 1 миллиард 92 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар далилий ашё сифатида ушлаб қолинди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 336,5 миллион сўмга кўпдир.

Биргина мисол. Яқинда Тошкент шаҳар божхоначилари Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрига кириб келган темир йўл вагонини назоратдан ўтказдилар. Натижада ноқонуний равишда олиб кирилган 135 миллион сўмлик видео-аудио, телеаппаратура ва бошқа маиший техника ҳамда хўжалик моллари ушланиб қолинди. Яна бир ҳолатда мамлакатимизга темир йўл вагонларида ўғринча йўллар билан олиб кирилган 233 миллион 785 минг сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган аёллар ва болалар оёқ кийимлари ҳамда бошқа товар-моддий бойликлар аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар тегишли чора кўриш учун тергов идораларига юборилди.

Йиғилишда йил бошидан буён мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний олиб ўтилаётган 4 килограмм миқдоридаги тилла буюмлар, 133,4 минг АҚШ доллари, 855,6 минг Россия рубли, 122,1 минг литр ҳажмдаги нефть маҳсулотлари, 31 тонна минерал ўғит, 233,4 минг қути тамаки маҳсулотлари, 30, 9 минг литр спирт ва спиртли ичимликлар, 139 тонна дон ва ун маҳсулотлари, 364,2 тонна рангли ва қора металлар ҳамда бошқа кўплаб товар-моддий бойликлари ушлаб қолингани қайд қилиб ўтилди.

Ҳайъат йиғилиши сўнгтида белгиланган истиқбол режаларини бажариш, ташқи иқтисодий фаолиятда фирибгарлик ва бошқа қонунбузарликлар олдини олиш ва уларни фош этиш орқали божхона тўловлари ҳажмини ошириш ҳамда бу борадаги тадбирларни амалиётга жорий этишда ҳуқуқни муҳофаза ҳилиш идоралари билан ҳамкорликни янада кучайтиришга келишиб олинди.

**Соҳибжон САЛИМОВ**

## АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ АРАЛАШГАЧ...

Мамлакатимизда фермерликни ривожлантириш борасида етарли даражада қонун ҳужжатлари, фармонлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Бошқача айтганда, келгусида фермер қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган асосий субъектга айланиши учун барча зарур ҳуқуқий асослар яратилган.

Бироқ жойларда фермер хўжалигини ташкил этиш учун ер ажратиш, тузилаётган шартномалар ижроси билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатлари ҳамон учраяпти. Ачинарли томони — бундай ҳоллар кўпинча фермерлик ривожида масъул мансабдор шахслар томонидан содир этиляпти.

Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган таҳлиллар буни яққол исботлайди. Тошкент вилоятида ўтказилган ўрганишда фуқаро Х.Тиловнинг фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер ажратишни сўраб ёзган аризаси Бекобод туманидаги «Ойбек» ширкат хўжалигида кўриб чиқилмасдан, атайин пайсалга солинган. Адлия ходимлари аралашуви билан ариза кўриб чиқилиб, унга 51 гектар ер ажратиб берилди.

Янгийўл туманидаги «Ниёзбоши» ширкат хўжалиги раҳбарлари Р.Ўсаровнинг фермер хўжалиги ташкил этишига, «Пскент» ширкат хўжалиги раиси эса «Зуҳриддин Ғаффоров» фермер хўжалигига ажратилган ерни ижарага бериш шартномасини тузишга тўсқинлик қилаётгани ҳақидаги мурожаатлар тегишли тартибда киритилган тақдимномалар асосида ижобий ҳал этилди.

Бекобод туманида ўнлаб фермер хўжаликларининг ерлари туман ҳокимининг ноқонуний қарори билан қайтариб олингани юзасидан зудлик билан туман ҳокимлигига тақдимнома ва судга даъво аризаси берилди. Натижада туман ҳокими хатосини англаб, ишни судга етказмай, ўз қарорини бекор қилди.

Адлия идоралари томонидан бундай нохуш ҳолларга барҳам беришга қаратилган қатъий чора-тадбирлар давом эттириляпти.

**Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири**

**ТОШКЕНТ** (ЎзА мухбири Назокат Усмонова). **Халқаро бизнес-марказда Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳалар бўйича беғараз ёрдами доирасида грант-шартномалар имзоланди.**

## ГРАНТ-ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Ҳужжатларга кўра, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги Иқтисодиёт, бизнес, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтига 24 минг АҚШ долларидан ортиқ молиявий ёрдам кўрсатилади.

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг шошилинч кардиология бўлимига эса, бўлимни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш учун 74 минг АҚШ доллари ажратилади.

Тадбирда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато иштирок этди.

Анжуман

## ЭКОСАЙЁҲЛИК САМАРАЛИ СОҲА

Юртимиз сайёҳлик имкониятлари жиҳатидан Марказий Осиёда етакчи ўринда туради. Ўзбекистон экзотик табиати, иқлими, ландшафтининг хилма-хиллиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг бойлиги билан дунёдаги шундай имкониятларга эга бўлган «фусункор ўн бешлик» мамлакатлари қаторига киради. Ҳудудимизда турли асрларга оид 4 мингдан ортиқ тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги ислом динининг муқаддас қадам жойларидир.

Бугунги тараққиёт асрида дунё сайёҳлик тажрибасида яна янги йўналиш — экосайёҳлик соҳаси ҳам кенг ривожланиб боряпти. Маълумки, тарихий, маданий ёдгорликлар билан табиий имкониятлар ҳамоҳанглигидаги туризм индустрияси маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш кўрсаткичларини оширади. Жаҳон миқёсида экосайёҳлик аҳоли иш билан бандлигининг 12 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистонда эса бу соҳа энди ривожлана бошлаяпти.

Лекин республикамиздаги бетакрор — Чотқол, Зомин, Нурота, Омонқўтон, Пеком, Угом, Ҳисор, Бадай-Тўқай ва бошқа кўплаб экотуризмни ривожлантириш имконияти бор ҳудудлардан оқилона фойдаланилмаяпти.

«Экосан» халқаро жамғармасининг Барқарор ривожланиш бўйича комиссияси, «Экосан-ТУР» Халқаро экотуризм маркази, «Шератон — Тошкент» меҳмонхонаси ҳамкорлигида ўтказган «Экотуризм ва барқарор ривожланиш» мавзуидаги халқаро конференция Ўзбекистонда ва умуман Марказий Осиёда экологик сайёҳликни ривожлантиришга бағишланди.

Ўйлаймизки, яқин келгусида Ўзбекистонда ҳам экотуризм йўлга қўйилади. Қолаверса, бу соҳа жаҳон туризм бозорига кириб боришга, миллатлараро маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Саида САЙХУН**

## ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Бугун республикамизда 87,5 минг фермер хўжалиги ташкил этилган бўлиб, уларда 603 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Сўнгги уч йилнинг ўзида зарар кўриб ишлаган 336 та ширкат хўжалиги ўрнида 20 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари тузилди. 12 та тумандаги барча ширкат хўжаликлари тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишида Президентимиз томонидан келтирилган бу рақамлар таҳлили шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда фермер хўжаликларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, 2003 йилда ширкатларга қараганда фермер хўжаликларида анча юқори натижаларга эришилган.

Жумладан, Самарқанд вилояти Пойариқ тумани ҳам ширкат хўжаликлари тугатилиб, тўлиқ фермер хўжаликларига ўтилган республикамиздаги ўн икки туманнинг бири. Бугун пойариқлик фермерлар Президентимизнинг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан катта ишларни амалга оширмоқдалар.

«Сортой» тумандаги энг йирик фермер хўжаликларидан бири бўлиб, 74 гектар ер майдонига эга. Шундан 31 гектар ерда ғалла, 43 гектарда пахта етиштирилади. Ўтган йили фермер хўжалигида 73 тонна пахта тайёрланиб, ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 38 центнерга етди. Ғалладан 124 тонналик хирмон кўтарилди. Ҳосилдорлик эса 58 центнердан ошиб кетди. «Сортой»нинг йиллик соф даромади ўн икки миллион сўмни ташкил этди. «Пахта банк»нинг туман бўлимидан берилган кредитга БТ-100 трактори олиб келинди. Бир йил ичида банкдан олинган кредит тўлиқ қайтарилди. Трактор фермер мулкига айланди. Ҳозирда фермер хўжалиги ҳисобидаги техникалар сони янада кўпайган. Улар 40 га яқин фермер билан шартнома тузиб, техникадан ёрдам кўрсатмоқда. Бугун «Сортой» фермер хўжалигида 32 нафар ишчи меҳнат қилади. Ўтган йили хўжалик аъзоси ҳисобланган 12 та оилага 3 тоннадан ғалла тарқатилди.

Эришилган ютуқлар эътирофи сифатида «Сортой» фермер хўжалигининг раиси Карим Эргашев «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

— Фермер — ернинг эгаси. У ўзимизда бўлган қадим деҳқончилик йўл-йўриқлари билан бирга, хориж тажрибасини ҳам ўрганиши керак. Агротехника қоидалари ҳақида ҳам тушунчаси бўлиши, техника бошқариши, одамлар кўнглига йўл топиши керак. Бугун вилоятимизда фермер хўжаликлари ишини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бешта фарзандим бор, барчаси менинг ёнимда. Ўғилларим техникани бемалол бошқаради. Яқинда қатор орасига ишлов берадиган трактор сотиб олмоқчиман, — дейди фермер.

Мутахассисларнинг фикрича, фермер хўжаликларида барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги баланд, пахтачилик ва ғаллачилик бўйича рентабеллик эса ошиб бормоқда. Буни биргина «Сортой» фермер хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кун фермер олдига янги-янги талабларни қўймоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, **«Фермер дегани — бу аввало универсал қобилиятга эга бўлган инсон. Халқимиз ибораси билан айтганда, бугун фермерга қирқ ҳунар ҳам оз».**

**Фаррух ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири**



✧✧✧

**Суратда:** туман ҳокими ўринбосари (чапдан) Абдували Примов, «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий ҳиссадорлик жамияти Пойариқ филиали мудири Шуҳрат Хушвақтов ва фермер Карим Эргашев ўғитланган ғалла майдонини кўздан кечирмоқдалар.
**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI
QUVAMEBEL

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

**Мулоҳаза, мушоҳада**

# БАЛИҚЧИЛИК: ТАРМОҚ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚДИ, ХУСУСИЙЛАШТИРИЛДИ...



**ХЎШ, ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРДИ? УНИНГ РИВОЖИ БУГУН ҚАЙ ДАРАЖАДА? ТАБИИЙ БИОЛОГИК РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЯПМИЗМИ? ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИДА БАЛИҚ ВА БАЛИҚ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХИ ҲОЗИР ҚАНЧА?**

### «МЕДЕЛИ» ОВУЛ ТОНГЛАРИ

— Овулларимиз ўтган «Обод маҳалла йили»да анча ободлашиб, «Меҳр ва мурувват йили»да эса файзу барака, хайру саховатга тўлиб бораяпти, — деб ҳикоя қилди олис Мўйноқ туманидаги «Амударё» масъулияти чекланган балиқчилик жамоа хўжалигининг «Медели» овул фуқаролар йиғини оқсоқоли Абдужамил Каримов. — Ҳудудимизда ҳозир 2 та ўрта мактаб, 2 та болалар боғчаси, 1 та замонавий касалхона, 1 та фельдшерлик-акушерлик пункти, 3 та дўкон. Этикдўзлик, сартарошлик, новвойхона сингари ўнлаб шахобчалар 463 та оилавий хўжаликда истиқомат қилаётган 2442 нафар аҳоли хизматида...

— Ён-атроф овулларимизда ўтган йили ичимлик суви таъминоти яхши йўлга қўйилганини айтмайсизми?! — давом этди у. — Дарёда ҳам сув кўпайди. Энг муҳими балиқчиларимизнинг ишлари яна ўнгланиб бораяпти... Ҳар тонг теваракни катерлар овози тутиб, уларнинг кунлик «ов»ларига жўнаётганини кўрасиз... Соҳил бўйлаб сузиб бораётган ризқ-рўз қушлари дейсиз гўё уларни...

Оқсоқол ўз овули балиқчиларини образли қилиб, бекорга сувда сузаётган ризқ-рўз қушларига ўхшатмади. Дарвоқе, ҳар субҳидам қуёшнинг илк нурлари сув сатҳини зардай безаши биланоқ балиқчилар дарё ва кўл бўйларидаги чала қолган ишларига шошилишади. Овулдаги сигир-бузоқларнинг маъраши, подаларни яйловга ҳайдаган чўпон-чўлиқларнинг овозлари, хонадонлардаги гурунглар, болакайлар қийқириғи — ҳаммаси ортда, соҳилда қолади. Кўчаларда қатнов кўпайиб, кимдир фермага, кимдир шолизорга, яна кимдир бозор ёки дўконга йўл олади. Уй бекалари сигир соғишга, терт қоришга тутинадилар...

Кўкдан қарасангиз, ҳар хил ёввойи ўт-ўланлар билан бурканган узундан-узун қум барханлари ва зангори чодирлардай силкинган тўп-тўп жинғил дов-дарахтлар орасида «Медели» гўё қайнаб турган қумғондек... Ранг-баранг буталар, сон-саноқсиз сайроқи қушлар... Ҳозиргина ёғиб ўтган ёмғирдан сўнг табиат зумраддай тип-тиниқ. Шох-шаббалар ёмғир томчиларидан бамисоли қулоқларига исирға таққан...

...Мана, ҳаял ўтмай ови бароридан келган балиқчилар бирин-кетин яна Шейга кўли соҳилига қайтиб, баржаларидаги юкларни пристанга тушира бошладилар. Кемалардан бири тўхтаган жойда уст-бошидан қуёш тафти ва тўлқинлар ҳиди келиб турган балиқчини гапга тортаман.

— Ов баракали бўлдими, оға?

— Бўлганда қандай, ёшулли, шу «рейс»нинг ўзида бугунги режа тайёр... Кечгача ҳали яна уч-тўрт рейс қиламиз-ов...

— Шеригингизми? — ёнидаги биродарини сўрадим.

— Ҳа, Бахтибек... Мен — Қуатбай...

— Кўрдингизми, — севиниб гапга қўшилди яна оқсоқол, — ана шундай заҳматкаш балиқчиларимиз меҳнати самараси билан ўтган йили «Қозоқдарёбалиқ», «Амударё» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари 134-185 центнердан балиқ овлашди. Республикамиз бўйича истеъмолчилар дастурхонига 359 тонна тансиқ таом тортиқ қилинган. «Нукусбалиқ» хўжалиги 35 тонна «Қўнғиротбалиқ» жамоаси 20 тонна маҳсулот тайёрладилар. «Мўйноқбалиқконсерва» комбинатида 108 минг дона шартли банка консерва ишлаб чиқарилди...

Биласиз, балиқ — тансиқ парҳез таом. Шу боис, ҳукуматимиз ҳам тармоққа алоҳида аҳамият бериб, уни монополиядан чиқарди, хусусийлаштирди, янги-янги балиқчилик ҳавзалари барпо этмоқда, хўжаликлар тузмоқда...

Оқсоқолнинг жўшқин сўзлари менга тумандаги «Нурли жўл», «Толлиўзак», «Тентекарна» масъулияти чекланган балиқчилик жамоалари ишчи-хизматчилари эришаётган ютуқларни ҳам эслатди. Уларнинг ҳам ҳар бирида 44-50 центнердан балиқ овланди. Туман бўйича бу кўрсаткич 421 центнердан ошиб кетди.

— Ҳозир қайси оқимларда балиқ кўпроқ? — суҳбатга тутаман боя ўзини — Қуатбай деб таништирган балиқчи Исмоиловни.

— «Мўйноқ», «Сарибас» қўлтиқларида мўл. «Жилтирбас», «Мақпалкўл», «Думалоқ», «Шейга» кўлларида ҳам ёмон эмас. Бурноғи йилнинг май ойидан бошлаб, дарёда сув кўтарилиши билан майда, чавақча балиқчалар кўпайишиб қолди. Ҳозир улар урчиб-урчиб, увулдириқларидан яна мўл бўлаяпти.

— Улар ўзлари кўпайиб, ўзлари катта бўлиб бораверадими ё парвариш ҳам қиласизларми? — сўрайман унинг шериги Бахти Айтмуратовдан.

— Парвариш қиламиз... Айниқса, қиш ва баҳор ойлари қўлтиқ, кўл ҳавзаларида увулдириқлар энг кўп урчиган жойларга имкон даражасида ем, ҳар хил озуқа чиқиндилари ташлаб турамиз...

— «Имкон даражасида» деяпсиз, нега имкон камроқми?

— Камроқ! — деди у тап тортмай. — Балиқ ови жиҳозлари етишмаяпти. Кема ва катерларимиз замонавий овларга мослашмаган. Кўпи эски, янгилари йўқ... Озуқада ҳам шу гап... Ёшулиллар ҳаммасига маблағ керак дейишаяпти, қани у маблағ?...

### ЎЗГАРИШЛАР ЙЎЛИ

Балиқчининг сўзлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўтган йили 13 августда қабул қилинган **«Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарордан сўнг тармоқда бошланган таркибий ўзгаришларни ёдимга солгандек бўлди. Ўшанда «Ўзбалиқ» акциядорлик компанияси ва «Қорақалпоқбалиқ» уюшмаси тугатилиб, улар таркибига кирувчи балиқчилик тармоғининг балиқ овлаш ва балиқчилик корхоналарини тўла хусусийлаштиришга — асосан хусусий мулкчиликка айлантиришга киришилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибида чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш Бош бошқармаси ташкил этилди. Вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларида эса унинг бўлимлари таркиб топди. Вазирлик ҳузуридаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш илмий марказида «Аквакультура» илмий-тадқиқот институти билан «Ихтиомарказ» корхонасини бирлаштириш ҳисобига Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот Маркази вужудга келди. Пировардида, Минтақавий давлат балиқ питомниги Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот марказига шуъба корхона сифатида берилди.

Шунингдек, тармоқнинг давлат монополиясидан чиқарилиб, хусусийлаштирилган корхоналарига селекция-наслчилик ишларида, балиқ касалликларининг олдини олишда, даволаш ишларини амалга оширишда ва уларни зарур техника ҳамда воситалар билан таъминлашда кўмаклашиш тартиблари белгиланди.

Табиатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларига ва республика ҳудудида балиқ овлашнинг белгиланган қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳар йили балиқларни ўстиришга қўйиб юбориш, насл қолдирувчи балиқларнинг зот сифатини яхшилаш, урчитиш ҳамда уларнинг янги турларини иқлимга мослаштириш йўллари орқали балиқ ресурслари сақланиши ва кўпайтирилишига эришиш юзасидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази, табиий сув ҳавзаларини бириктириб қўйиш ва улардан фойдаланиш ҳамда тармоқ жамғармаси маблағларини шакллантириш тартиблари тўғрисида Низомлар тасдиқланди. Давлат мулки қўмитасига акциядорлик жамиятлари акцияларининг давлат пакетларини сотишдан тушадиган маблағларни Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасига йўналтиришга рухсат берилди ва ҳоказо...

Хуллас, тармоқ ўзгаришлар йўли сари бурилди...

### САВОЛЛАР, САВОЛЛАР, СЎНГСИЗ САВОЛЛАР...

Хўш, мана орадан ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бошланган ишлар изчиллиги қай даражада? Қабул қилинган қарор юзасидан нима ишлар қилинди-ю, нима ишлар қилинганича йўқ? Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ўз иш фаолиятини қандай бошлади?

Тармоқни ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилдими?

Селекция-наслчилик ишлари, балиқчилик хўжалиги мелиорацияси, балиқлар касалликларининг олдини олиш ва даволаш тадбирларини ривожлантириш юзасидан илмий-тадқиқот ишларига киришилдими? Тармоқ кадрларини қайта тайёрлаш ва улар малакасини мунтазам ошириб боришга эътибор қандай? Замонавий балиқ ови воситалари ва жиҳозлари учун тармоқда маблағ етарлими?

Айтайлик, қарорда белгилаб қўйилганидек, ижарага олинган балиқчилик хўжаликларининг табиий сув ҳавзаларидан тушаётган маблағлар фоизи бугун тармоқнинг қайси йўналишларига ва қанча миқдорда йўналтирилмоқда?

Балиқ ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш йўлидаги тадбирлар ижросида республика Давлат Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг иштироки фаолми? Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси ҳамда бошқа идоралар ҳамкорликда балиқчилик ва балиқ овлаш корхоналарини озуқа ва бошқа ресурслар билан таъминлашда етарли кўмак бераяптими?

Ва ниҳоят сўнгги савол: тайёрланаётган маҳсулотларни сотиш бўйича чакана савдо шахобчаларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар борми?

### МАҚСАД НИМА ЭДИ?

Юқоридаги сўнгсиз саволлар бугун менда дафъатан туғилгани йўқ. Тармоқ ривожи — мамлакатимиз агросаноати комплексида муҳим ўрин тутади. Бироқ, у кечаги кунга (ҳукумат қарори қабул қилингунга) қадар бошқаришнинг замонавий бозор шароитларига жавоб бераоладиган даражадаги самарали тизимга эга эмас эди. Мавжуд корхоналар фаолиятининг рақобатли иш усуллари ўта суст бўлиб, инвестицияларни жалб қилиш жонли тус олмаганди.

Айни шу сабабларга кўра ҳам — тармоқни монополиядан чиқаришга, рақобат муҳитини шакллантиришга, хусусий мулкчиликни ривожлантиришга, балиқ овлаш ва балиқчилик корхоналари фаолиятини бозор механизмларига мос ташкил этишга тўғри келганди.

Айни шу сабабларга кўра ҳам — барча балиқчилик ва балиқ овлаш корхоналарига ўзларининг мол-мулкини хусусий мулк этиб бериш кўзда тутилганди. Мақсад — уларнинг ўз хўжалик фаолиятларига ўз мустақиллигини бериш эди.

### ИЛК ҚАДАМЛАР БЎЛДИ-Ю...

Тўғри, қарордан сўнг республикамизда табиий сув ҳавзаларини балиқ овлаш учун бириктириб қўйиш ва улардан фойдаланиш тартибида жиддий ўзгаришларга илк қадамлар қўйилди. Табиий сув ҳавзалари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан балиқ овлаш корхоналарига танлов асосида камида 10 йил муддатга ижарага берила бошланди. Балиқчилик корхоналари томонидан балиқ овлашга квоталар бекор қилинди. Корхоналар ов миқдорини мавжуд биологик ресурслардан, вужудга келган талаблардан ва маҳсулотларни ҳамда тармоқ ресурсларини зарур даражада сақлашдан келиб чиққан ҳолда ўзлари белгилашга ўтишди. Чунки, шартноманинг узоқ муддатли бўлиши — ижарачиларга ресурслардан тежам билан фойдаланишга кенг имкон яратиб, уларнинг салоҳиятини янада кучайтириш чора-тадбирларини амалга оширганлари учун тегишинча рағбат ҳам ола бошлашди.

Буларнинг ҳаммаси — тармоқни бозор принциплари асосида ислоҳ қилиб, пировард якунда — истеъмол бозорини балиқ маҳсулотлари билан тўлдиришга, табиий биологик ресурслардан самарали ва айни пайтда ўта оқилона фойдаланишга қаратилганди.

Бироқ, яна савол туғилади: ўтган қисқа вақт ичида шунча ишлар амалга оширилипти-ю, бозорларда, умумий овқатланиш тармоқларида, дўконларда балиқ ва балиқ маҳсулотлари нархи нега ҳануз қиммат?

### ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ИККИ ХЎРАНДА СУҲБАТИДАН

Пойтахт ошхоналари (ресторан ёки кафе эмас, оддийгина ишчи-хизматчилар ошхонаси)дан бирида тушлик қилаяпман. Ёнма-ён столдаги икки хўранданинг суҳбатини яққол эшитиб турибман.

— Балиқ яхши таом-у қимматроқ-да, жўра... Мана, бугун маош олган куни бир балиқхўрлик қилайлик деб, ҳар бири 250 граммдан икки порция едик. Ҳар юз грамми 400 сўмдан бўлганда, минг сўм бўлди. Барибир тўймадик. Яна шунчадан есак 2 минг, икковимизники — 4 минг сўм бўларкан. Бу пулга бозор нархида гўштнинг «дода»сидан 2 килосини беради. Бир рўзғорнинг қора қозони бир ҳафта қайнайди...

— Ҳа-а, қимматга тушаркан, — тасдиқлади уни шериги. — Ҳозир бозордаям, дўкондаям хом балиқнинг килоси 1,5-2 минг сўм атрофида. Супермаркетларда-ку янаям баланд...

Ана шу суҳбатни тинглаб туриб, ўзимча тасаввур қилдим: ўтмишни қумсаш эмас-у, илгари тартиб-қоида тарзига кирган бир одат бор эди. Ҳафтанинг ҳар пайшанбаси балиқ таоми куни ҳисобланарди. Дўконларда тирик балиқ сотилиб, умумий овқатланиш тармоқлари таомномаларида уха(балиқ шўрва), қовурилган балиқ, балиқли тефтел (ҳатто шашлик!) каби таомлар ўрин оларди...

Бундоқ ўйлаб қарасангиз, агар яхши одат, яхши тажриба бўлса унга «ўтмишдан қолган қоида» деб қаралишига ҳожат борми, ўзи? Қайтанга, шу баҳонада ҳар ҳафта ёки нақл қилинганидек, ҳеч бўлмаганда ойда бир марта балиқ ва балиқ маҳсулотлари тановвул қилган бўлмасмидик?

— Балиқ ҳар бир инсон организмининг сиҳат-саломатлиги учун энг зарур, тансиқ, парҳез таомлардан, етти хазинанинг бири, — деганди бир галги суҳбат чоғида **самарқандлик олий тоифали болалар касалликлари врачи Ўктам НУРУЛЛАЕВ.** — Витаминларга бой. Айниқса, ёш болаларга жуда фойдали. Биз, тиббиётчилар гоҳида бекорга уларга балиқ мойи истеъмол қилиш лозимлигини буюрмаймиз... Қолаверса, балиқ маҳсулотлари ақлга қувват, кўзга нур эканлиги ҳам тиббиётда аллақачон исботланган...

**Юнус ЗИЁДОВ, журналист:**

— Дарвоқе, кейинги пайтларда балиқ маҳсулотлари камёб бўлиб бораётгани учун нархи чаёндек чақиб олади. Илгари дўконлар ёнидаги ясама «ҳовуз»чаларда сузиб юрувчи тирик балиқлар қани? Биқинида «Тирик балиқ» деган ёзуви бор у ҳовузчалар эндиликда «ёдгор»ликка айланиб ётибди... Пойтахтимиз яқинида «Дамачи» деган ихтисослашган балиқчилик хўжалиги бўларди. Ҳозир ҳам бор, ўсиш рақамлари дуруст-у, лекин бир вақтлар жуда машҳур эди-да... Янгийўлда балиқ зотларини урчитувчи махсус тажриба базаси ҳам бор эди, лекин сўнгги пайтларда бирор киши бирор жойда у ҳақда гапирганини эслай олмайман. Чунки тармоққа эътибор сусайиб кетди. Талаб эса бор, эҳтиёж катта, иштаҳа карнай...

### ҚИЁСГА ЎХШАШ ТАСАВВУР

Айтайлик, тиббий мезонларга кўра бир киши кунига 45-50 грамм атрофида гўшт (қўй-эчки, қорамол, парранда, балиқ гўштлари ва ҳоказо) истеъмол қилиши керак. Буни (икки-уч ёшгача бўлган гўдакларни ҳисобга олмаганда), камида 15-17 миллион нафар аҳолига чўтласангиз 1000-1100 тонна атрофида гўшт ҳосил бўлади. Бунча миқдордаги гўшт учун эса тахминан ўша бир кунда ҳар бири ўртача 25-30 килограммдан гўшт қилувчи қўйларнинг ўзидан 30-35 мингтаси ёки ҳар бири ўртача 150 килограмм гўшт берувчи қорамолдан 500-600 таси сўйилиши керак. Бу бир кунлик хомчўт, холос. Энди, ўзингиз уни ҳафталар, ойлар ва йилга кўпайтириб кўринг... Эҳ-ҳе... қанчалар катта рақамлар...

Демак, тасаввур қилинг: бир кунлик «балиқхўр»лик билан мамлакат бўйича неча-неча минглаб чорва моллари бошини омон сақлаб қолса бўлар экан. Ҳолбуки, республикамиз чорвачилиги ҳали-ҳануз ўз қаддини кўзда тутилган даражада ростлай ололмаётгани ҳеч кимга сир эмас...

### ХОТИМА

... Балиқчилар юртида — соҳилда ўтириб, мулоҳаза ва мушоҳада қилган ушбу сатрларни таҳририятга қайтгач, албатта бир мақола тарзида ёзишни ният қилиб, ён дафтаримга қисқа-қисқа битиклаб олдим-у, ўрнимдан турдим.

... Кўп ўтмай баржалар яна мавжланиб турган сув ичкарисига сузиб кетишди. Уларнинг палубалари, назаримда, сув сатҳи билан яна туташиб борар ва гўё балиқчилар чиндан ҳам илк суҳбатдошим — овул фуқаролари йиғини раиси (оқсоқоли), ёшулли Абдужамил Каримов таърифлаганидек, соҳилдан учиб кетаётган ризқ-рўз қушларига ўхшар эдилар...

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

(Газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида балиқчилик тармоғи мутахассислари фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.)

**Бердиниёз АЛЛАШЕВ олган сурат.**

---

## ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

### МУҲИМ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

**Ўзбекистон ХДП Урганч туман кенгаши** раҳбарлигида Чолиш шаҳарчаси бошланғич партия ташкилотида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзуида «давра суҳбати» ташкил қилинди. Шаҳарчада яшаётган турли миллат вакиллари, корхона, ташкилот, ўқув муассасалари раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари ҳамда партия фаоллари иштирокида ўтган бу тадбирда Меҳр ва мурувват йили дастурининг мазмун-моҳияти, мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг 2004 йил 7 февраль куни Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқида белгиланган асосий вазифалар тўғрисида сўз борди. Шунингдек, тадбир қатнашчилари ёшлар ўртасида учраётган баъзи муаммолар, жиноятчилик, гиёҳвандликнинг олдини олиш тўғрисида ҳам фикрлашдилар ва бир қатор режаларни келишиб олдилар.

**ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши** ҳудудий тиббиёт бирлашмасига қарашли 26-поликлиника жамоаси билан биргаликда маънавият ва маърифат тадбирини ўтказди. Йиғилишга таклиф қилинган Тошкент молия институти профессори Нормурод Маматов Ўзбекистон Президенти Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида таъкидлаб ўтган қатор вазифалар, уларнинг Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларига ҳамоҳанглиги ҳақида сўзлади. Хусусан, мактабларнинг бугунги ҳолати ва уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ҳақида айтилган фикрларга батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, туман партия кенгаши котиби Н.Эшметова, поликлиника бош шифокори К.Шокирова ҳам бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Сергели туман партия кенгаши** томонидан ташкил қилинган учрашув ҳам юртбошимизнинг мазкур, «Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш — асосий вазифамиз» номли маърузасига бағишланиб, унда кўтарилган масалалар, белгилаб берилган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Бу масалаларнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳақида ЎзМУ журналистика факультети доценти Н.Ғаффоров маҳалла оқсоқоллари, корхона раҳбарлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари котибларига гапириб берди.

Шу йўналишдаги тадбирлар, шунингдек, тумандаги 37, 11-оилавий шифохоналарда, «Авто РАФ» корхонасида, туман политехника касб-ҳунар коллежида ҳам ўтказилди.

### ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

**Ўзбекистон ХДП Қарши, Хонқа туман кенгашлари**нинг партия ташкилотларининг 2003 йилги фаолияти якунлари, жорий йилда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловлар ҳамда партиямизда ўтказиладиган ҳисобот-сайлов мавсумига тайёргарлик масалаларига бағишланган пленумлари бўлиб ўтди. Шунингдек, пленумларда жойлардаги депутатлик гуруҳлари фаолияти ҳам муҳокама қилинди. Булар ҳақида Қарши туман партия кенгаши биринчи котиби Ш.Амирқулов ва ХДП Хоразм вилоят кенгаши биринчи котиби Б.Бобожонов маъруза қилдилар.

Хонқа туман партия кенгаши пленумида ташкилий масала кўрилиб, Ўктамбой Собиров Ўзбекистон ХДП мазкур туман партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

**Партия Қорақалпоғистон республика кенгаши**нинг ижроия бюро йиғилишида «Экологик шанбаликларда партия ташкилотларининг иштироки» масаласи муҳокама қилинди. Унда ЎзХДП Экологик дастури ҳамда атроф-муҳитни ҳимоялаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда ХДП Қорақалпоғистон республика ташкилотларининг муҳим вазифалари белгиланди. Уларни бажаришда партиядан сайланган депутатлар, партия фаолларини жалб этиш ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олинди.

**Ўзбекистон ХДП Чуст туман ташкилоти** «Ташаббус-2004» кўрик-танловининг туман босқичини юқори савияда ўтказилишида ўз ҳиссасини қўшди. Тадбирни тайёрлашда қатор бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотлари, партия фаоллари иштирок этдилар. Танлов якунида кўпгина йўналишлар бўйича ғолиб бўлган тадбиркорларга туман партия кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

---

**Далил ва шарҳ**



# ЛОҚАЙДЛИК

**Ўтган йили республикамизнинг аҳоли турар-жойларида 12 минг 259 маротаба ёнғин ҳодисаси содир бўлгани қайд этилди. Ушбу ёнғинлар натижасида фуқаролар 800 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар кўрган.**

**ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, ички ишлар полковниги Абдулла ҚЎЛДОШЕВ билан суҳбат мавзуси ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг олдини олиш борасидаги вазифалар ҳақида бўлди.**

— Йил давомида содир бўлган ёнғинлар таҳлилига эътибор берсак, шу нарсага амин бўламиз — уларнинг аксарияти аҳоли турар-жойларида содир бўлмоқда ва асосан кимларнингдир беларволиги, лоқайдлиги туфайли рўй бераяпти. Масалан, болаларнинг қўлига гугурт тутқазиб қўйиш ҳолатларидан ҳам ёнғин келиб чиққан ҳодисаларни кўп кузатдик. Хас-ҳашак уюми устига ирғитилган ёки ўчирилмасдан қолдирилган сигарета қолдиғи ҳатто инсонларнинг қурбон бўлишига олиб келганлигини алоҳида қайд этмоқ керак. Совуқ кунларнинг келиши билан барча фуқаролар ўз хонадонларини ва иш жойларини иситиш мақсадида турли носоз ва қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланишади. Ёки гугуртни «тежаб қолиш» учун газни кечқурун ёқиқ қолдиришади. Бу хасислик оқибатида баъзи хонадонлардан бир уюм кул қолганлиги ҳолатларига гувоҳ бўлдик.

Агар ўтган йилда содир бўлган ёнғинларнинг таҳлилига эътибор берсак, йил давомида республикамиз ҳудудидаги аҳоли турар-жойларида ва халқ хўжалиги масканларида 15 минг 639 маротаба ёнғин содир бўлгани қайд этилди. Ушбу ёнғинлар натижасида давлатимизга ва фуқароларга 968 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар келтирилди. Энг аянчли ҳолатлардан бири ёнғинлар оқибатида 1016 нафар фуқаро турли хилдаги куйиш жароҳатини олдилар ва 186 нафар фуқаро эса ҳалок бўлди. Инсонларнинг аччиқ қисматлари акс эттирилган бу бешафқат рақамлар остида кишиларнинг куйиш жароҳатини олиб, бир умрга ногирон бўлишлари, бевақт ҳаётдан кўз юмишлари ва уйлари вайрона бўлиб, бошпанасиз қолиш ҳоллари ётибди.

Уларнинг келиб чиқиш сабаблари оддийгина — булар қуйидагилар: фуқароларнинг олов билан фойдаланишида эҳтиётсизликка йўл қўйиши; носоз иситиш печларидан фойдаланиш ва фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик; меъёр талабларига жавоб бермайдиган электр ускуналаридан ва бошқа иситиш мосламаларидан фойдаланишларидир. Қисқаси, бепарволикдир. Масалан, йил давомида содир бўлган ёнғинлардан 78 фоизи аҳоли турар-жойларига тўғри келиб, уларнинг ҳар ўн учинчисида фуқароларимиз тан жароҳати олишмоқдалар.

Бундай ҳолларга чек қўйиш мақсадида мана бир неча йиллар мобайнида айнан қиш кунларида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказиб келинмоқда.

**— Республикамизда бундай тадбир, адашмасак, етти йилдан бери ўтказилиб келинмоқда. Натижалар сезилаяптими?**

— Тадбирларнинг натижасига келсак, масалан, сўнгги беш йил давомида содир бўлган ёнғинлар сони 4248 тага, ушбу ёнғинлардан фуқароларнинг тан жароҳати олиш ҳоллари 870 тага ва ҳалок бўлиш ҳолатлари 117 тага камайишига эришилди.

Ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар ўз самарасини бериб, содир бўлган ёнғинлар сони 2002 йилга нисбатан 137 тага, ёнғинларда инсонларнинг тан жароҳати олиш ҳоллари 39 тага, ҳалок бўлиш ҳоллари 7 тага камайди. Бундан ташқари, содир бўлган ёнғинлар ишлаб чиқариш корхоналарида 11,7 фоизга, омбор, база ва савдо муассасаларида 24,3 фоизга, чорвачилик жабҳаларида 77,3 фоизга, аҳоли турар-жойларида 0,5 фоизга камайди.

Ёш болаларнинг олов билан ўйнашларидан содир бўлган ёнғинлар 10,3 фоиз, иситиш печларининг носозлиги ёки улардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилишидан содир бўлган ёнғинлар 0,8 фоизга камайди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу ишлар жойлардаги ёнғин назорати ходимларининг аҳоли ўртасида ҳамда оммавий-ахборот воситалари орқали олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларининг ҳосиласидир.

Тадбирларнинг фойдаси бўлаяпти. Биринчидан, фуқароларимиз ва асосан ўсиб келаётган ёш авлод ёнғин нималарга олиб келиши мумкин, улар қандай сабаблардан содир бўлади ва ёнғинларнинг қандай қилиб олдини олиш борасидаги тушунчаларга эга бўлишмоқда. Иккинчидан, уй-жойлар, корхона ва ташкилотларда яна бир карра ёнғинга қарши ҳолат кўздан кечирилиб, ёнғин чиқиш эҳтимоли бўлган камчиликлар бартараф этилади. Учинчидан, етишмаётган ёнғинга қарши жиҳоз ва воситалар харид қилиниши, бу масалалар бўйича вазирликлар томонидан мақсадли маблағлар ажратилишига эришилади.

**— Сиз кўпроқ аҳоли яшаш жойларидаги ёнғин хавфсизлиги ҳолатлари ҳақида гапирмоқдасиз. Республикамиздаги халқ хўжалиги масканларининг ёнғинга қарши ҳолати қандай, бундан кўнглингиз тўладими?**

— Тўғрисини айтганда, ҳамма корхона ва ташкилотларда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратилаяпти, деб бўлмайди. Буни текширувимиз хулосаларидан ҳам кўриш мумкин.

**2004 йил — Меҳр ва мурувват йили**

# МЕҲРИБОНЛИК УЙИНИНГ БОЛАСИ

## ЁНИНГИЗДА ЛОАҚАЛ БИТТАГИНА ЕТИМ БОЛА, БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАН НОРАСИДАНИ КЎРИБ ТУРИБ, ХОТИРЖАМ ЯШАБ БЎЛАДИМИ?

Жиззах шаҳрининг Кимёгар маҳалласида вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 29-Меҳрибонлик уйи бор. Бу даргоҳда бугун 85 нафар бола тарбияланяпти. Айримларининг ота-онаси йўқ, баъзиларининг ё отаси, ё онаси ташлаб кетган. Ота-онаси йўқларни-ку тушунса бўлади: боқувчисини йўқотган. Аммо ота, онаси бўлатуриб, бу ерга келиб қолганларга нима дейсиз? Нега энди тўрт мучаси соғ, оила боқишга қодир ота-оналарнинг фарзандлари Меҳрибонлик уйида?

Тўғри, бу масканда болаларнинг ҳеч нарсадан зориқмасдан яшашлари, ўқиб-ўрганишлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун ҳамма шарт-шароит бор. Ёзда салқин, қишда иссиқ, керакли жиҳозлару, турфа гуллар билан безатилган шинам ва озода ётоқхоналар, турли тадбирлар, машғулотлар ўтказиладиган кенг ва ёруғ ёрдамчи хоналар, ҳавас қилса арзигулик кутубхона, ошхона, спорт майдончаси болалар ихтиёрида. Ширинсўз, меҳрибон, малакали тарбиячилар ҳар битта бола атрофида парвона. Бир сўз билан айтганда, саксон беш болага етмиш уч киши кўз-қулоқ.

Ҳаммаси яхши, ҳаммаси гўзал. Аммо, нимадир етишмайди. Болалар шу нарсага муҳтож. Мурғак қалблар шунга интизор. Бу — она меҳрию, ота мурувввати. Бунинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

— Бизга асосан вилоят халқ таълими бошқармаси йўлланмаси билан ота-онасиз, боқувчисини йўқотган болалар юборилади, — дейди директор Раъно Юсупова. — Уларнинг кўнгиллари ўксимаслиги, бахтли болалик нашидасидан баҳраманд бўлишлари учун барчамиз камарбаста. Биноларни таъмирлашдан тортиб, жиҳозлар харид қилиш, кийим-кечаклару, озиқ-овқат таъминотигача — муаммомиз йўқ. Ҳукуматимизнинг етим-есирлар, бевабечоралар, боқувчисидан жудо бўлганларга ғамхўрлик кўрсатиш, бошини силаш, дили яримларга юпанч ва тиргак бўлиш, уларга меҳр улашиш, мурувват кўрсатишдек эзгу амалларни ҳар қанча улуғласа арзийди. Шу ўринда меҳрибонлик ва саховатпешаликни умр мазмунига айлантирган ўнлаб юртдошларимизнинг номларини айтиб ўтишни истардим. Бироқ, улар мендан хафа бўлишади. Чунки, ҳар гал яхшилик қилиб, мурувват кўрсатганларида «буни ҳеч кимга айтиб юрманг, бошқалар билмасин, акс ҳолда миннат қилган, мақтаниш бўлиб қолади» дейишади. Шунинг учун буёғига, энди, маъзур тутасиз.

Ҳовлида ўйин билан машғул болакайларни кузатаман. Кийимлари озода, ўзларига ярашиб турибди. Дабдурустдан уларни ҳеч ким етим, боқувчисиз қолган, деб ўйламайди.

Уй-хаёлларга банди бўлиб турганимда 11-12 ёшлар чамасидаги қизалоқ салом берди.

— Исминг нима? — сўрайман ундан.

— Соҳиба.

— Нечанчи синфда ўқийсан?

— 5-синфда ўқийман, — бурро-бурро жавоб қилади у.

— Баҳоларинг қандай?

— Фақат «4» ва«5».

— Ота-онанг борми?

— Бор. Улар Зомин туманида яшашади. Таътил пайтлари келиб, мени олиб кетишади.

— Катта бўлсанг, ким бўлмоқчисан?

— Шифокор бўламан...

Шу пайт сал нарида ўйнаб юрган ёқимтойгина қизалоқ диққатимни тортди.

— Азизани ҳаммамиз яхши кўрамиз, — дейди кутубхоначи Мавлуда Содиқова. — Яқинда беш ёшга тўлди. Дадаси бошқага уйланиб кетган. Аяси бор. Лекин ойда-йилда бир келади.

Қизчанинг тийран, лекин ўйчан нигоҳини ҳис қиламан.

— Аямни танийсизми, амаки? — бехосдан сўрайди у.

— Танийман, қизим, танийман, эрта-индин сени кўришга келади, — дейман беихтиёр.

— Унинг мунчоқдай кўзлари севинчдан порлаб кетади. — Аяжонимни соғиндим, жуда-жуда соғиндим...

Эҳ, бегуноҳ қизалоқ, митти фаришта! Сени ташлаб, бошқа бир аёлнинг этагини тутиб кетган отангни ким деб атасам экан? Сендай қизчаси бўлсаю, турмуш синовларига бардош беролмасдан ҳаётнинг енгил сўқмоқларига ўзини урган онангничи? Наҳотки, улар сени, шундай беғубор, ёқимтой, гўзал фарзандини, дилбандини, юракларининг бир парчасини соғинмасалар, кўргилари, бағирларига босгилари келмаса? Бундайларни фарзанд уволи тутмасмикан? Боласи бўлатуриб, ёлғиз яшашни афзал кўрган аёл, ота бўлишга бўлгану, лекин оталик қилишга ярамаган эркак аслида нафратга лойиқ эмасми?

1989 йилда туғилган Мурод исмли боланинг тақдири эса бошқачароқ. Унинг отаси озодликдан, онаси эса оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Шундан сўнг у маҳалла-кўйнинг аралашуви билан 2001 йилда бу ерга келди. Тарбияси оғирроқ кечгани учун бошида бироз қийин бўлди. Кейинчалик ҳаммаси изга тушиб кетди. Ҳозир у яхши ўқияпти, сартарошликни ўрганаяпти.

— Болалар ҳаётида қизиқарли, эсда қоларли воқеалар кўп бўлиб туради, — дейди катта ёшдаги болалар тарбиячиси Зумрад Туротова. — Яқинда 1986 йилда туғилган Армен исмли тарбияланувчимиз номига Америкалик Коиртну исмли қиздан хат ва совға-салом келди. Мактуб ичида сурати ҳам бор экан. Шундан бери Арменни тенгдошлари «Тўй қачон, куёвтўра?» деб ҳоли-жонига қўйишмайди.

Дарвоқе, Меҳрибонлик уйида болалар ўн етти ёшгача бўлишади. Сўнг баъзилари уйларига, қолганлари эса қизиқишлари ва қобилиятларига қараб ўқишга юборилади. Уларнинг кейинги ҳаёти даврида ҳам ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб туриш одатга айланган.

— Юртбошимиз томонидан 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши айни муддао бўлди, — дейди тарбиячи Наргиза Мамараҳимова. — Аслидаку, бу хислатлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Шундай бўлсада, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган бундай қадриятларимизни эъзозлаш, ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдиришимиз керак. Бу нарса бугун айниқса муҳим.

... Меҳрибонлик уйининг боласи. Балки, у сизу бизга бегонадир. Лекин у кимнингдир фарзанди, жигаргўшаси, бировнинг қариндоши, маҳалладоши. Қолаверса, у ҳаммамизга ватандош. Шундай бўлгач, унинг ҳаётига, тақдирига бефарқ бўлишга ҳаққимиз борми?

Тўғри, бугун у ҳеч нарсага зор эмас. Аммо, ёнгинангизда лоақал биттагина етим бола, боқувчисидан маҳрум бўлган норасида бор экан, демак, ҳали меҳрга ташна қалб, мурувват истовчи кўнгил ҳам бўлади. Ҳар қандай меҳрнинг, ҳар қайси мурувватнинг эса баҳоси йўқ. Зеро, шоир айтмоқчи «Дунёни, ҳаётни фақат бир туйғу — меҳр-мурувват туйғуси безаб турибди, ер юзидаги барча гўзалликлар ҳам аслида шу туйғудандир».

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Ҳикматли сўзлар маъноси**

### Молдан ажрадинг — жондан ажрадинг

«Мол кетса, эс кетади». Кишининг тирикчилигига яраб турган мол-ҳоли, буюми йўқолса, ўғирланса ё нобуд бўлса, эгаси нима қиларини билмай, боши гангиб, кайфияти бузилиб, хомуш бўлиб, эсанкираб, эси кетиб қолади. Мазкур мақолларда шу ҳол ифода этилган.

### Мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди

Уй мушуги одатда қорни тўқ бўлса, офтобга чиқиб яланиб ётади. Қорни оч бўлса, уйининг у ер-бу еридан овқат излаб, ҳар тешикнинг олдида пойлаб, кишининг оёғи тагида ўралашиб юради-ю, аммо беҳудага офтобга чиқмайди. Мушукнинг шу одати мисолга олиб айтилган мазкур мақолни мажозий маънода бирор арзимаган хизмати учун ҳам бировдан бир нима тама қилувчи одамга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар. Баъзи ҳолларда шундай тамагир одамнинг ўзи ҳам хизмати эвазига бир нима берилиши лозимлигини билдирмоқ ниятида мазкур мақолни айтиб, мақсадини очиқдан-очиқ тушунтирмоқчи бўлади.

**Футбол**

# СТАДИОНДА УЧРАШГУНЧА...

## Бугун футбол бўйича Ўзбекистон XIII миллий чемпионати баҳслари бошланади



Бу йил юртимизга катта футбол нафаси ҳар йилгидан анча эрта кириб келди. Қиш охирламасдан етакчи клубларимиз «Нефтчи» (Фарғона) ҳамда «Пахтакор» (Тошкент) футболчилари қитъамизда иккинчи маротаба ўтказилаётган Осиё чемпионлари лигаси баҳсларига киришдилар. Ўзбекистон миллий терма жамоаси эса 2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионати дастлабки саралаш учрашувини ўтказишга улгурди. Терма жамоа ва клубларимизнинг халқаро ўйинларда муваффақиятли иштирокини таъминлашга хизмат қиладиган XIII миллий чемпионатимиз баҳслари эса бугун бошланади.

Олий лига жамоалари янги мавсумга пухта ҳозирлик кўришди. Навбатдаги чемпионат совриндорлари қаторига киришни кўзлаётган «Навбаҳор», «Насаф», «Қизилқум», «Сўғдиёна», «Локомотив» жамоалари ўз таркибларини иқтидорли футболчилар билан кучайтиришга ҳаракат қилдилар. Шунингдек, мавсум оралиғида ўқув машғулот йиғинларини маромига етказишди.

Мамлакат чемпиони — «Пахтакор» жамоаси камида ўтган йилги натижани такрорлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

— Барча эътиборни чиройли ва ҳужумкор ўйин намойиш этишга қаратганмиз, — дейди «Пахтакор» клуби бошлиғи Самвел Бабаян. — Стадионга келган мухлисларимизнинг уйга хурсанд қайтишларини биз ҳам жуда истаймиз. Уларнинг чин дилдан ишқибозлик қилишлари учун эса янги мавсум олдидан клубимиз хайрли ишга қўл урди. Клуб маъмурияти Россиянинг «Мир футбола» фирмаси билан ҳамкорликда мухлислар учун «Пахтакор» жамоаси рамзи акс эттирилган карнайлар, калит илгичлар (брилок), шарфлар, футболчиларимиз исми-шарифи, рақами ёзилган либосларни чиқарди. Энди «Пахтакор» ишқибозлари мамлакатимизда биринчи бўлиб ўз жамоаси либосида ўйинларни томоша қилиш ва қўллаб-кувватлаш имкониятига эга бўлишади.

Янги мавсумнинг фарқли жиҳати, бу йилги чемпионат олий лига жамоалари сони аввалгиларига нисбатан иккитага қисқарди. ЎФФга ўтган йилги аъзолик бадалларидан қарз бўлиб қолганлиги туфайли «Дўстлик» (Тошкент вилояти) ва «Қўқон-1912» (Қўқон) жамоалари мусобақадан четлатилди. Илк бор Ўзбекистон XIII миллий чемпионатида ўн тўрт жамоа чемпионлик учун тўп сурадиган бўлди. Қуръага кўра, бугун бошланадиган дастлабки турда қуйидаги жамоалар ўзаро баҳс юритадилар:

«Насаф» (Қарши) — «Машъал» (Муборак)
«Навбаҳор» (Наманган) — «Металлург» (Бекобод)
«Қизилқум» (Зарафшон) — «Сурхон» (Термиз)
«Сўғдиёна» (Жиззах) — «Андижон» (Андижон)
«Бухоро» (Бухоро) — «Нефтчи» (Фарғона)
«Трактор» (Тошкент) — «Пахтакор» (Тошкент)

Шунингдек, «Самарқанд-Д» — «Локомотив» (Тошкент) жамоалари учрашуви ҳам қуръага мувофиқ бугун Самарқандда ўтиши лозим эди. Бироқ, «Динамо» стадионидаги таъмирлаш ишлари тугамаганлиги боис, учрашув Тошкентга кўчирилди. Бу жамоалар ўйини эртага «Жар» спорт мажмуида ўтказилади.

Демак, стадионда учрашгунча!

**Эркин ХОЛБОБО**



**МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ!**

**Шу йилнинг 23 январидан бошлаб**

**ТОШКЕНТ — САМАРҚАНД — ТОШКЕНТ**

**йўналиши бўйлаб ҳаракатланадиган 6 вагондан иборат тезюрар, барча қулайликларга эга бўлган йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.**



*Сафар давомида Сизга қиймати чипта баҳосига кирган нонушта ёки кечки овқат таклиф қилинади. Қисқа муддатли сафар давомида керак бўлган барча сервис хизматлари кўрсатилади. Хоҳишингизга кўра, қўшимча тўловга ёдгорликлар тўплами, совғалар харид қилишингиз, видеофильмлар ва мусиқали клипларга буюртмалар беришингиз мумкин.*

*Поезд Тошкентдан эрта тонгда, Самарқанддан эса кечқурун йўлга чиқади ва сизда кун давомида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш имкони бўлади.*



*Йўловчи поезди катта тезлик билан ҳаракатланиб (автомобиль транспортидан тез) сизларни Самарқандга етказиб, Тошкентга қайтиб олиб келади. Ҳар бир вагон купелари алоҳида бўлиб, уларда 6 тадан юмшоқ ўриндиқли креслолар ўрнатилган.*

*Сафар давомида сизга оилангиз ва дўстларингиз билан вақтингизни чоғ ўтказишга имкон яратилади. Купе деразасидан Ўзбекистон табиати ва унинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишингиз мумкин.*

**Поезд ҳафтанинг жума, шанба ва якшанба кунлари қатнайди.**

**Йўловчи поездининг ҳаракатланиш жадвали**

| Поезд № | Маълумот | Бошланғич манзилдан жўнаб кетиш вақти | Белгиланган манзилга етиб бориш вақти |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент — Самарқанд | 6:50 | 10:50 |
| 2. | Самарқанд — Тошкент | 17:00 | 21:00 |

**Маълумотлар хизмати: 005, 199-72-15.**
**Вокзал бўйича навбатчи: 199-72-16**
**Маъмур: 199-76-27.**



**САФАРИНГИЗ МАРОҚЛИ ЎТСИН!**

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ**

**«ЭСКИ ЖУВА ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

*«Эски жува деҳқон бозори» ОАЖ 2004 йил 11 март куни соат 11.00да ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиллик мажлис кун тартибига қўшимча тарзда қуйидаги масала киритилганлигини маълум қилади:*

*1. Жамият Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.*

*Жамият Кузатув Кенгаши*

## Информация о проведении отчётного общего собрания акционеров ОАО «Toshkent guruch»

6 апреля 2004 года в Актовом зале ОАО «Toshkent guruch» в 14.00 состоится Отчётное общее собрание акционеров ОАО «Toshkent guruch». Реестр закрыт на 1 марта 2004 г.

**Повестка дня:**

1. Отчёт Наблюдательного совета по итогам работы за 2003 г.
2. Годовой отчёт о финансово-хозяйственной деятельности общества за 2003 г.
3. Отчёт Ревизионной комиссии по проверке финансово-хозяйственной деятельности общества за 2003 г.
4. Утверждение годового бухгалтерского баланса и счёта прибылей за 2003 год.
5. Утверждение годового бизнес-плана на 2004 финансовый год.
6. Утверждение аудиторской организации на 2004 финансовый год и предельного размера ее услуг.
7. Утверждение распределения прибыли и выплаты дивидендов по итогам 2003 г.
8. Внесение изменений и дополнений в Устав общества.
9. Внесение изменений и дополнений в Положение об обществе.
10. Перепрофилирование части рисоцеха, монтаж мельницы мощностью 130 тн/сутки и приобретение мельничного оборудования стоимостью 495 млн. сум., выставление в залог имущества общества.
11. Выборы членов Наблюдательного совета общества.
12. Выборы членов Ревизионной комисии общества.

**Бухгалтерский баланс**

| *Актив баланса* | *Тыс сум* |
|---|---|
| Долгосрочные активы | 874197 |
| Текущие активы | 8685849 |
| *Всего по активу баланса* | *9560046* |
| *Пассив баланса* | |
| Источники собственных средств | 1181593 |
| Обязательства | 8378453 |
| *Всего по пассиву баланса* | *9560046* |

**Отчёт о финансовых результатах**

| | |
|---|---|
| Выручка от реализации | 3061569 |
| Финансовый результат до налогообложения | 156423 |
| Налог на прибыль и прочие отчисления | 68308 |
| *Чистая прибыль* | *88115* |

**Аудиторская проверка финансово-хозяйственной деятельности проведена Аудиторской организацией «Global-audit» Лицензия № 00190 от 05.09.01 г.**

*Акционеры могут ознакомиться с информацией по подготовке к проведению собрания в наблюдательном совете ОАО «Toshkent guruch» по адресу: г. Ташкент, ул.М.Ашрафи, 106. Регистрация акционеров и их представителей производится с 12.00 согласно удостоверениям личности (при себе иметь паспорт).*

Наблюдательный совет ОАО «Toshkent guruch».

**АО «Тезкор-Соз» на торги публичной оферты навес ОГМ и БРУ (бетон распределительный узел). Телефон: 185-88-59.**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзоси Бўритош Шодиевага падари бузруквори

**АМИН бобо**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси «Фан ва тараққиёт» илмий технологик мажмуаси раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистон халқ шоири

**Пўлат МЎМИН**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қавми-қариндошларига чуқур таъзия билдиради.

Халқлар дўстлиги саройи жамоаси саройнинг бош муҳандиси

**Саидакбар ДЖАББОРОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила-аъзолари, қавми-қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси Навоий вилояти бўйича ўз мухбири Музаффар Шароповга падари бузруквори

**ЖАҲОН ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Erkin XOLBOBOYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 365
13069 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi — 23.30*
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA